


**ИЛОВА №1**



**“Жиззах шаҳар Шароф Рашидов кўчаси 16-йда жойлашган**  
**Марказий банкнинг Жиззах вилоят бош бошқармаси маъмурий**  
**ва ёрдамчи биносини реконструкция ва капитал таъмирлаш”**  
**объекти бўйича лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун**

## **ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

<b>№</b>	<b>Асосий талаблар рўйхати</b>	<b>Асосий маълумотлар ва талаблар таркиби</b>
1	Буюртмачи	Марказий банк Жиззах вилоят бош бошқармаси. <b>СТИР: 201 432 857</b>
2	Объект номи	Марказий банк Жиззах вилоят бош бошқармаси маъмурий ва ёрдамчи биноларини реконструкция ва капитал таъмирлаш
3	Объект жойлашган худуд	Жиззах вилоят, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 16 уй
4	Иш тури	Реконструкция ва капитал таъмирлаш
5	Молиялаштириш манбаси	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маблағлари ҳисобидан
6	Иш, хизматларни бошланғич нархи	870 000 000 (Саккиз юз етмиш миллион) сўм ҚҚС билан
7	Мураккаблик даражаси	3-даража ёки ўта муҳим ва тоифаланган объектларда ишлаганлиги
8	Лойиҳалаштириш учун асос	Ўзб. Рес. Марказий банки томонидан 2022 йил 7 январда тасдиқланган "Манзилли дастур"га асосан
9	Курилиш майдонининг хусусиятлари. Махсус геологик ва гидрогеологик шароитлар (майдон хусусиятлари)	Сейсмик худуд - 7 балл Ҳисоб-китоб бўйича - 8 балл
10	Бинонинг функционал мақсади талаблари ва асосий объектнинг кўрсаткичлари	Бино 1991 йилда фойдаланишга топширилган. Бино жами 2 блокдан иборат бўлиб, <ul style="list-style-type: none"> <li>- 1-А блок Асосий бино 3 қаватли мазкур блокнинг техник ертўласи ҳам мавжуд.</li> <li>- 2-Б блок 1 қаватдан иборат бўлиб, мазкур блокнинг техник ертўласи ҳам мавжуд.</li> </ul> Бинонинг умумий майдони – 2732,20 кв.м. Бинонинг умумий хажми (сигими) - 22 074.50 куб.м
11	Танлов тури	Очиқ танлов
12	Лойиҳачи ташкилот	Электрон танлов ўtkазиш асосида аниқланади
13	Танлов таклифларини қабул қилиш вақти ва манзили	Таклифларни қабул қилишнинг охирги вақти etender.uzex.uz махсус электрон ахборот порталаида эълон қилинган муддат ва вақтгacha амалга оширилади. Танлов бўйича таклифлар etender.uzex.uz махсус электрон ахборот портали орқали юборилади. Кўшимча саволлар бўйича Марказий банк Жиззах вилоят бош бошқармаси манзили:

		Жиззах шахри, Ш.Рашидов кўчаси 16 уй
14	Танлов хужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари	etender.uzex.uz маҳсус электрон ахборот портали
15	Танлов хужжатларини тақдим қилиш	Иштирокчилар танлов таклифларини ўзларининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаган ҳолда электрон конверт кўринишида тақдим этади.
16	Танлов таклифининг амал қилиш муддати	Танлов таклифлари очилган кундан бошлаб 60 кун
17	Танлов таклифларини очиш манзили:	Жиззах шахр, Ш.Рашидов кўчаси, 16 уй.
18	Танлов таклифларини баҳолаш муддати	Танлов таклифларини қабул қилиш муддати тугаган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни давомида
19	Ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш муддатларига қўйиладиган талаблар	<p>Шартнома имзолангандан сўнг 25 (йигирма беш) календар кун ичida амалга оширилади.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2019 йил 9-сентябрда 3180-сон билан руйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлигининг 2019 йил 19-августдаги 396-сон буйруғи билан тасдиқланган <b>Лойиха-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 2-иловасига асосан, Қурилишнинг умумий қиймагида ускуна қийматининг солишишим таркиби боғлиқ ҳолда қурилишнинг хисоб баҳосини аниқлаш учун пасайтирувчи коэффициентлар қўлланилган ҳолда хисоб-китоб амалга оширилади.</b></p> <p>Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги хузуридаги “Шаҳарсозлик хужжатларини экспертизадан ўтказиши” ДУК ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги қошидаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказидан ушбу объект бўйича ижобий хulosани олишда иштирок этиши.</p> <p>Қурилиш тугагунга қадар лойиҳага мувофиқлигини текширади</p>
20	Танлов хужжатининг тили	Ўзбек тили
21	Шартнома тили	Ўзбек тили
22	Шартнома валютаси	Ўзбек сўми

23	Лойиҳани молиялаштириш тартиби	<p>Иш, хизматлар қийматининг 15 фоизи шартнома имзоланиб, ишлар бошлангандан сўнг 5 (беш) банк иш куни ичида.</p> <p>Шартнома баҳосининг қолган 80 фоизи (экспертиза хulosаси олингандан сўнг) бажарилган ишлар қабул қилингандан кейин 5 (беш) банк иш куни ичида.</p> <p>Шартнома баҳосининг охирги 5 фоизи курилиш тугаллангандан кейин ва капитал таъмирлаш ишлари ҳажми белгиланган тартибда қабул қилиб олингандан сўнг амалга оширилади.</p>
24	Электрон танловда қатнашиш учун иштирокчилар томонидан киритиладиган закалат миқдори	Иш ва хизматлар қийматининг 3 фоизи миқдорида
25	<p>Лойиҳачи кўйиладиган талаблар</p> <p>ташкилотига</p>	<p><b>Лойиҳалаш бўйича хизматлар доираси ўз ичига қуйидаги бўлимларни олиши керак:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1.Архитектура лойиҳалаштириш</li> <li>2.Мухандислик лойиҳалаштириш</li> <li>3.Механик ва электр тизимларини лойиҳалаш</li> <li>4.Бошқалар (ёритиш тизими, иситиш ва совутиш тизими, ичимлик сув ва оқовасув тизими, видеокузатув тизими, алоқа тармоқ тизими, телефон тармоғи тизими, компьютер локал тармоғи тизими, худудни ободонлаштириш ва бошқалар)</li> <li>5. Лойиҳалаштириш билан боғлиқ интеръер-экстеръер ва ландшафт дизайн ишларини бажариш.</li> </ol> <p><b>Бўлимларнинг хар бири 4 босқичда ишлаб чиқилиши ва тақдим этилиши керак, яъни:</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1.Коралама лойиҳалаш босқичи</li> <li>2.Ишчи лойиҳанинг босқичи</li> <li>3.Курилиш хужжатлаштириш босқичида аналитик кўриб чиқиши.</li> </ol> <p>Курилиш ва фойдаланишга топшириш муддати давомида муаллифлик назорати хизматлари лойиҳачи ташкилоти томонидан амалга оширилиши лозим.</p> <p>Дизайнни ишлаб чиқишида техник ечимлар билан боғлиқ хужжатлар атроф-мухитга мос келиши керак,</p>

санитария-гигиена, ёнгинга қарши ва бошқалар республика худудида амалда бўлган нормалар талаблари бўйича бўлиши лозим. Жумладан:

а)Объектнинг дизайн лойиҳасини ва лойиҳа смета хужжатларини ишлаб чиқиш,

б)Лойиҳалаш учун керак бўладиган техник хужжатларни тўплаш (Google таъсир, топотасвир, геология, архитектура режалаштириш топшириги – 1, 2, ГУАС, ЗВОС лойиҳа учун, Экология экспертизаси.)

Лойиҳа ташкилотида ISO 9001 сертификати бўлиши шарт.

Потенциал лойиҳачида қуйидаги талабларга жавоб берадиган шаклланган лойиҳалаштириш гурухи мавжуд бўлиши керак.

Лойиҳачи лойиҳа-смета хужжатлари ва қурилиш билан боғлиқ хужжатларни ишлаб чиқиша камида 5 (беш) йиллик профессионал тажрибага эга бўлиши керак.

Архитекторлар, қурилиш муҳандислари, архитектура қурилиши (АС), электртаъминоти (ЭО), ёнгин сигнализацияларини лойиҳалаштириш (ПС), алоқа тармоқлари (СС), иситиш ва вентиляция (ОВ), сув таъминоти ва канализация (ВК), қурилиш бўйича мутахассислар, етакчи мутахассислар камида 5 (беш) йиллик тажрибага эга бўлишлари керак.

Камида 10 кишидан иборат ишчи гурухнинг барча мутахассислари лойиҳалаш ташкилоти таркибида бўлиши керак.

Лойиҳалаш ташкилотининг банкда очилган ҳисобрақамидаги сўнгги 1 йиллик айланма маблағи 3,5 млрд. сўмдан кам бўлмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикасининг ўта муҳим ва тоифаланган объектларида сўнгги 3 йил мобайнида 3 тадан кам бўлмаган лойиҳалаш ишларини бажарган бўлиши шарт.

Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиша қуйидаги ишларни бажариш керак:

А)Жиззах вилояти архитектура ва шаҳарсозлик кенгаш хulosасини олиш;

Б)Буюртмачининг талабига биноан етказиб берувчилар билан Сувтаъминот,

		<p>Газтаъминот, Фавқулотда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекэнерго, Ногиронлар жамияти ва бошқа ташкилотлар билан лойиха-смета хужжатларини мувофиқлаштириш;</p> <p>С)Бўлимлар бўйича лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш;</p> <p>Д)Дизайнер назорати;</p> <p>Е)Лойиха-смета хужжатларига ўзгартириш киритиш лозим деб топилган ҳолларда, лойихачи ташкилот лойиха-смета хужжатларига тегишли тартибда ўзгартиришлар киритиб хужжатларни давлат экспертизасидан ўтказишида иштирок этиш мажбуриятини олади.</p>
26	Шаҳарсозлик талаблари	<p>Бажариш:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- бетон қопламали ва асфалт тошли йўллар ва йўлаклар, шу жумладан ёнғин ўчириш машиналари ўтиш учун бетон йўллар;</li> <li>- йўлак плиталаридан ясалган пиёдалар йўллари;</li> <li>- манзарали буталар билан майса;</li> <li>- манзарали дараҳт кўчатларини экиш;</li> <li>- бино фойе ва ички йўлаклари бўйлаб манзарали тувак гуллар қўйиш;</li> <li>- дам олиш учун жойлар (беседкалар);</li> <li>- энергиятежамкор ёритиш мосламаларини ишлатган ҳолда худудни ташқи ёритиш;</li> <li>- бино асосий фасадини ёритиш;</li> <li>- бино худудида ахлатларни олишга мўлжалланган контейнерлар майдони ва бошқа талаблар.</li> </ul>
27	Архитектура курилиш, иш ҳажмларини режалаштириш ва конструктив қарорлар, блоклаш, бинонинг ички қисмини таъмирлаш ишларига қўйиладиган талаблар	<p><b>Бино 2-Б блок</b></p> <p>1 қаватли бино ўрнида 2-қаватли бино куриш ва ҳозирги замон талаблари асосида сўнги муҳандислик коммуникация тизимлари асосида лойихалаштириш.</p> <p><b>Бино ертўла қисмига:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Зина йўлаги;</li> <li>- Юқ учун мўлжалланган лифт;</li> <li>- Кассирлар қайта санаш зали;</li> <li>- Захира фонди олд хонаси;</li> <li>- Захира фонди хонаси; (<i>Мазкур хоналар Ўзб. Рес. Марказий банкнининг амалдаги йўриқномалари талаблари асосида лойихалаштирилиши шарт</i>)</li> <li>- Кассирлар учун дам олиш хонаси;</li> <li>- Кийиниб ечиниш хонаси;</li> </ul>

- Сан-узел хоналарини жойлаштириш назарда тутилсин.

**1-қаватида** вилоят Инкассация хизмат хоналари, қуролхона (*Мазкур хоналар Ўзб. Рес. Марказий банкнининг амалдаги йўриқномалари талаблари асосида лойхалаштирилиши шарт*) ва бокс;

**2-қаватида**

- Зина йўлаги;
- 72 ўринли овқатланиш зали;
- Мехмонхона;
- Сақлаш хонаси;
- Дам олиш хонаси

- Ошхона;

Ошхонада жорий қоидаларга мувофик мебель ва технологик ускуналарни жойлаштириш амалга ошириш лозим ҳамда мазкур ишлар буюртмачи билан келишилган ҳолда бўлиши керак.

**1-А блок 3 қаватли маъмурӣ бино**

Техник ертўлага жойлаштириш учун:

- муҳандислик коммуникация;
- насос уйи;
- кириш узели.

**- Том қисми:**

Том қисмини тўлиқ таъмирлаш

**- Ички безак:**

- Поллар:

Полнинг жорий плиткалар, ламинат ва ёғоч қопламаларини демонтаж қилиш.

Қаватларда пол билан боғлиқ қилиш керак бўлган ишлар:

- а)хоналарни – ламинат ва паркет;
- б)йўлаклар ва фое италлогранит (сирпанмайдиган, ички дизайнга мос рангларда);
- в)овқатланиш хонаси ва ошхона ҳажми 60x60 см. бўлган сопол (керамик) плиткалар (сирпанмайдиган, ички дизайнга мос рангларда);

г)сан узеллар – пластик қопламалар (сирпанмайдиган, ички дизайнга мос рангларда);

д)электр панел (эл.щитовая) ва инвентарлар хонаси - мой бўёқли бетон;

е)зинапоялар – италлогранит (сирпанмайдиган, ички дизайнга мос рангларда).

Зинапоялардаги ушлагичлар анодланган

кувурлар ва темперли шиша.

**- Деворлар:**

Деворларни бузиб олиш, армо каркас монтаж қилиб минвата билан түлдириб. 2 қаватли Ички девор учун мүлжалланган гипсокартон плиталари билан қоплаб шувоқлаш; йўлаклар ва хоналарни сувга асосланган бўёклар (водоэмультсия) билан бўяш.

**- Шифтлар:**

Армстронг гипс плита қопламали мавжуд шифтни бузиш.

а)хоналарда – кейинчалик сувга асосланган бўёқ билан бўяш орқали гипсокартон қопламалар ўрнатиш;

б)йўлаклари ва лобби - кейинчалик сувга асосланган бўёқ билан бўяш орқали ўрта муракабликдаги гипсокартон қопламалар ўрнатиш ва ўрни билан оргшишалар билан безатиш;

в)дизайнга асосан айрим жойларда “Грильято” туридаги алюмин шифтдан тайёрлаш.

**- Эшиклар:**

а)хоналарга замонавий эшиклар ўрнатиш;

б)зинапояларда - алюмин профилдан тайёрланган;

в) архив, (барча техник талабларга жавоб берадиган сервер хоналар) сервер, электр коммутатор (электрщитовая) хоналарда – ёнғинга бардошли кодли қулф ва эшиклар ўрнатиш;

**Ташқи таъмирлаш ишлари:**

-фасад деворларидан гранитларни олиб ташлаш;

-ташқи витраж ва ойналарини демонтаж қилиш;

-асосий фасад - «Kale sinterflex» керамогранит плиткалар;

-Ички фасад айрим қисмини – штукатуркага асосланган travertinдан турли ранглардан иборат бўлган фасад бўёклари билан бўяш.

-таянч (цоколь) – гранитдан;

-равоқ - сирпандайдиган гранит;

-деразалар – хозирги термо ромлардан ясалган ойнапакетлар билан тўлдирилган шаффофф ойналардан иборат бўлиши керак;

-бино парапети-“Kale sinterflex”

		<p>керамогранит плиткалардан иборат бўлиши керак;</p> <p>Шунингдек, ташқи дренаж амалга оширилиши лозим. Дренаж қувурлари бинонинг ташқи деворлари бўйлаб ётқизилиши керак. Дренаж қувурлари учун ранг схемаси бино фасади рангли ёритмаларига мувофиқ амалга оширилиши керак. Ташқи дренажлар қалинлиги камида 0,5 мм ва диаметри камида 150 мм бўлган галванизли пўлатдан (оцинкованной стали) ясалган қувурлардан тайёрланади.</p>
28	Муҳандислик-технологик жиҳозларга кўйиладиган асосий талаблар, технологик жиҳозлар рўйхати	<p>Ҳар бир алоҳида бинонинг мақсадига мувофиқ, қуйида келтирилган талабларга, санитария стандартлари талабларига ва жорий меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ муҳандислик таъминоти тизимларини (шу жумладан тармоқ ва ускуналарни) ўрнатишни назарда тутиш лозим.</p> <p>Янги замонавий муҳандислик ускуналари ва материалларини ўрнатиш:</p> <p><b>Сув таъминоти ва канализация:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-ХВС ва ГВС қувурларини юқори сифатли полипропилен асосидаги РР қувурларидан тайёрланади;</li> <li>-қувурлар ўрнатиш ва ХВС, ГВС истеъмолчиларигача етказиш ишларини яширин тартибда амалга ошириш, кўтарувчиларни гипсокартон билан қоплаш;</li> <li>-сантехник мосламаларни алмаштириш;</li> <li>-иссиқ сув таъминоти - якка ҳолдаги модулли қозонхонадан;</li> <li>-металл сув идишини ўрнатиш;</li> <li>-қозонхона ичида, хонанинг чекка бурчагида уклон ҳолда трапни ўрнатиш;</li> <li>-“чаша Генуя” унитазини пол сатҳидан 1 (бир) поғона юқори ҳолда ўрнатиш лозим;</li> <li>-ички канализация тармоқлари юқори мустаҳкамлик ва гигиена кўрсаткичларига эга ПВХ қувурларидан тайёрланади;</li> <li>-канализация қувурларини пол остига ўрнатиш, кўтарувчиларни гипскартон билан қоплаш лозим;</li> <li>-канализация тизимини марказлашган канализация тармоғига чиқариш;</li> <li>-қувурларда тиқилиш ёки ахлат (засор) тўпланган ҳолларда қувурларни ревизия ва</li> </ul>

тозалаш имконини яратиш;  
-бино ички сув ва насос линиялари алмаштириш;  
-ички ёнгинни ўчириш тизимини ўрнатиш;  
-резервуардан ёнгинга қарши сув таъминотини таъминлаш. Қувур тизимида сув босими етарли бўлмаса, сув босимини ошириш учун насос ўрнатиш керак;  
-ёнгинга қарши сув таъминотини ГОСТ 10704-91 талаби бўйича пўлат қувурлардан тайёрланади.  
-янги ёнгинга қарши тўсиқ 2 дона (шит) ўрнатиш лозим.

#### **Иситиш ва вентиляция тизими:**

-бинонинг иситиш тизимини бинонинг модуллашган котель орқали амалга ошириш;  
-бинони иситиш учун табий газ қувурларини олиб келиш (ўрнатиш) орқали иситиш тизимини такомиллаштириш;  
-иситиш учун фанкойллардан фойдаланиш;  
-жорий меъёрий хужжатлар талабларига мувофиқ биноларда ҳаво ҳароратини олиш;  
-вентиляция - ойналарни очиш орқали табиий шамоллатиш, ускуналар хонасида табиий ёки таъминот вентиляциясини ўрнатиш (меъёрий хужжатларга асосан);

#### **Кондиционерлаштириш:**

-"ВРФ" совутиш тизими билан кондиционерлаштириш;  
- "ВРФ" совутиш тизими фанкойлларини кўллаш.

#### **Электр ёритиш:**

-бинодаги хоналарнинг мақсадига мувофиқ бажариш, энергия тежайдиган ва юқори самарали лампалар ва технологик талаблардан фойдаланиш;  
-электр шитларни ва кабелларни янгилаш;  
-электр ёритиш ва электр ускуналар тармоқларида гово қувурлари орқали мис кабеллар ва симлар билан бажариш;  
-мавжуд захира генераторни янги генераторга алмаштириш.

#### **Локал тармоқ:**

- маҳаллий тармоқ учун (замон талабига жавоб берадиган Cat5e-категория UTP кабеллар ҳамда ҳар бир сервер хоналарини

оптик кабеллар билан ўзаро боғлаш) UTP кабеллари ва розеткаларни ўрнатиш, мавжуд сервер кабинетига уланиш;

#### **Видеокузатув:**

- Ташқи ва ички (коридорлар) видеокузатув камераларини ўрнатиш;
- Видеокузатув мониторларини Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш ва параллел равишда бошлиқ хонаси, кўриқлаш бўлими хонасига ўрнатиш.
- NVR ва UPS курилмаларини 2-қават сервер хонасидаги телекоммуникация шкафига ўрнатиш.

#### **Ёнғин ва хавфсизлик сигнал тизими:**

- хавфсизлик ва ёнғин сигнализацияси, автоматик ўт ўчириш тизимларини ўрнатиш; 10 мм қалинликдаги металл листдан 37 м<sup>3</sup> сифимли ёнғин хавфсизлиги учун захира сув резервуари;
- периметрал сигнализация воситаларини ўрнатиш;
- ёнғин сигнализацияси тизимини (карнай) ўрнатиш;
- Бош бинога кириш назорат ўтиш пунктига назорат ва бошқарув тизими (СКУД)
- Магнит карталар комбинацияси асосида шахсни аниқлаш, таъминлаш учун замонавий қурилмалар билан жиҳозлаш;
- бинонинг автотранспорт воситалари кирадиган жойига электрқурилма ёрдамида ва масофадан бошқариладиган дарвоза ўрнатиш;
- ташқи муҳандислик ишчи лойиҳасини тегишли манфаатдор ташкилотлар билан мувофиқлаштирилиш керак.

Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги (рўйхат рақами №3180. 09.09.2019 й.) низомга мувофиқ жорий нархларда хисоблаб чиқилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган ШНҚ ва ҚМҚ талабларига кўра амалга ошириш.

Смета хужжатлари 2022 йилдаги жорий нархларда ҳисобланиши, материал ва ускуналарнинг нархларини асослантирилган

		маълумотларни лозим бўлган тақдирда тақдим этиши шарт.
29	Топшириш-қабул қилиш тартиби	Лойиҳа-смета хужжатлари ушбу топшириқ талабларига биноан ишлаб чиқилади ва буюртмачи томонидан давлат экспертизасидан ўтказилиб, экспертиза хulosаси олингандан сўнг қабул қилинади. Лойиҳа-смета хужжатлари амалдаги стандартлар бўйича расмийлаштирилган бўлиши ҳамда 2 нусхада қоғоз шаклда ва 1 нусхада электрон шаклда тақдим этилиши лозим.
30	Ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш хавфсизлиги (маҳфийлиги) ва уларнинг натижалари бўйича талаблар	Бажарувчи лойиҳани амалга ошириш жараёнида ўзига маълум бўлган ҳар қандай маълумотларга нисбатан, шунингдек, иш натижалари ва хизматлар кўрсатиш бўйича маҳфийликни саклаш мажбуриятини олади. Истиснолар қуйидаги ҳолатлар: 1) буюртмачининг ўзи томонидан расман ошкор қилинган маълумотлар; 2) лойиҳачининг ўзи қонуний йўл билан олганлиги тўғрисидаги маълумотлар 3) амалдаги қонунчиликка мувофиқ тақдим этилиши керак бўлган маълумотлар
31	Кўшимча хужжатлар рўйхати	Иштирокчи ташкилот раҳбарининг паспорти, гувоҳнома, лицензия нусхалари.